# ЭЪТИҚОД

*Котиб минбари*

## ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС



Ватанимиз мустақиллигининг учинчи йили дадил одимлаётган ҳозирги даврда жамиятимиз ҳаётида катта сиёсий ва ижтимоий воқеалар содир бўлмоқда. Ҳур Ўзбекистонимиз ўзи танлаган тараққиёт йўлидан дадил бормоқда.

Ўзбекистон Халқ Демократик партияси ҳам том маънода истиқлол фарзанди бўлиб, мустақилликка эришганимиздан буён уни ҳар томонлама мустаҳкамлашга, партиямиз Раиси, юртбошимиз И. Каримовнинг тинчликсевар ташқи ва ички сиёсатини тўла қўллаб-қувватлашга, тарғиб ва ташвиқ этишга астойдил хизмат қилиб келмоқда. Шу боисдан ҳам кейинги пайтда партия сафлари кенгайиб бораяпти. Ҳозирги кунда туман партия ташкилоти аъзоларининг сони 2400 нафар бўлиб, 86 та бошланғич партия ташкилотига бирлашганлар. Ўтган уч ой ичида 85 нафар киши партия сафига қабул қилинди.

Дарҳақиқат, партиямиз ҳозирги кунда ўз ўрнини топа олди, маълум обрў-эътиборга эга бўлди. Туман партия Кенгаши ва бошланғич партия ташкилотлари ҳам маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиқиб, турли хайрли ишларга қўл урмоқдалар. Партиямиз аниқ ишлар партияси эканлигини амалда исботламоқдалар. Чунончи, халқимизнинг севимли байрами Наврўз, Мустақиллик куни, Ғалаба куни ва бошқа давлат ҳамда касб байрамларини ўтказишда, миллий анъаналаримизни, қадриятларимизни тиклашда Халқ демократик партияси аъзолари фаол иштирок этмоқдалар.

Ҳеч кимга сир эмас, жойларда ЎзХДПнинг обрўси, маънавий сиёсий аҳвол, ижтимоий барқарорлик кўп жиҳатдан партия ташкилотларининг маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари билан ҳамкорликда олиб бораётган ишларига боғлиқ. Туман партия Кенгаши буни яхши тушунган ҳолда туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда, ўзаро ишонч, ҳурмат ва маслаҳат асосида иш олиб бормоқда. Тумандаги ходимлар масаласини ечишдаги тажриба диққатга сазовордир. Туман ҳокими раҳбар ходимларни тасдиқлашда партия ташкилотининг фикр ва мулоҳазаларини ҳисобга олмоқда. Ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйишни демократик асосда ташкил қилишга ҳаракат бўлмоқда. Бирон бир раҳбар, лавозим ўрни бўшаб қолса ҳоким туман партия кенгашининг фикрини ва тавсиясини ҳам инобатга олган ҳолда ишни амалга оширади.

Туман партия кенгаши ва ҳокимият ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик корхона, муассаса ва хўжалик раҳбарлари билан бошланғич партия ташкилотлари котиблари ўртасидаги муносабатда ҳам ўз аксини топган. Бу ерда барча сиёсий ва хўжалик тадбирлари биргаликда, умумий ёндашувлар асосида ҳаётга тадбиқ этилади. Партия ташкилотлари билан маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг бундай ҳамкорлигидаги фаолияти тумандаги мустаҳкам сиёсий барқарорликни белгилашда, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда катта аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, туманимиздан республика ва маҳаллий кенгашларга сайланган халқ депутатлари, корхона, ташкилот, хўжалик, муассаса ва идораларнинг раҳбарлари ЎзХДП аъзоларидир. Партиямизнинг дастурий ғояларини амалга ошириш кўп жиҳатдан уларга, уларнинг фаолиятига боғлиқдир. Бугина эмас, уларнинг сиёсий савияси, эътиқоди, янгиликларга интилиши, жонкуярлиги, фидойилиги ҳам катта аҳамият касб этади.

Маълумки, Президентимиз Республика Олий Кенгашининг XV сессиясида сўзлаган нутқида раҳбар ходим хусусида, уларга қўйилган сифатлар ва масъулият ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Чунки, ҳозирислоҳотларимизнинг тақдири жойлардаги раҳбар ходимларнинг ўз ишига катта масъулиятни сезган ҳолда бажаришига боғлиқ бўлиб қолди. Раҳбар ҳалол, пок, ишбилармон ва маданиятли бўлса, ўша жамоада ҳамжиҳатлик, адолат, ижодий руҳ барқарор бўлади. Бундай раҳбарлар жамиятимизни олға юритувчи қудрат соҳибига айланади. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда июнь ойининг охирида туман кенгашининг навбатдаги VI Пленуми ўтказилди. Унда Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг Республика Олий Кенгаши XV сессиясида сўзлаган нутқидан ҳамда ЎзХДП Марказий Кенгашининг X Пленуми қарорларидан келиб чиққан ҳолда раҳбар ходимларга бўлган ишонч ва талабчанликни ошириш юзасидан туман партия ташкилоти олдида турган вазифалар ҳақидаги масала муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинди.

Бундан ташқари миллий истиқлол мафкураси ва уни ҳаётга тадбиқ этиш соҳасида ҳам бир қатор ишлар қилинмоқда. Туман партия кенгаши қошида ташкил этилган 25 нафар лекторлар гуруҳи ва жойлардаги тарғиботчи ҳамда ташвиқотчилар омма орасида Президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорлари, сессия ва пленум ҳужжатларини кенг тарғиб қилмоқдалар. Ҳар ойда бир марта ягона мулоқот куни ўтказилмоқда.

Олий мажлис ва маҳаллий кенгашларга ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик кўриш бўйича ҳам ишлар олиб бормоқдамиз. Туман партия кенгаши қошида ва бошланғич партия ташкилотларида тарғибот марказлари ташкил этилди, тарғиботчилар гуруҳи тузилди. Уларга тавсияномалар бериб борилмоқда. Олий Мажлис тўғрисидаги қонун икки тилда кўп нусхада чоп этилди ва меҳнат жамоаларига тарқатилди.

Туманда миллий қадриятларни тиклаш борасида ҳам бир мунча ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда юртимиз фарзанди шоир, таржимон, зиёкор, адиб Элбек таваллуд топган куннинг 95 йиллигини тантанали нишонланди. Шу йилнинг август ойи охирида ҳамюртимиз, шоир Сидқий Хондайлиқий туғилган куннинг 110 йиллигини нишонлаш ҳам кўзда тутилган. Ҳозирги кунда бу анжуманга таёргарлик қизғин тус олган. Мана шундай тадбирларни ўтказишда туман кенгаши, бошланғич партия ташкилотлари бош-қош бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, туман партия кенгаши ва бошланғич партия ташкилотлари ўзларининг кундалик иш фаолиятини партиямизнинг Низом ва Дастури талаблари асосида ташкил этган ҳолда олиб бормоқдалар. Иқтисодий ислоҳотларни жойларда изчиллик билан амалга ошириш иштиёқи билан яшамоқдалар.

**Р. МАҲАМАТОВ,**
**Ўзбекистон ХДП Бўстонлиқ туман Кенгаши котиби**

## ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА

Мустақил Республикамизнинг уч йиллик тўйига Ўртачирчиқ туман партия ташкилоти ҳам қизғин ҳозирлик кўряпти. Яқинда мухбиримиз туман партия кенгашининг биринчи котиби Исматилла Неъматуллаевдан партия ташкилотларида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди. Қуйида ана шу суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

— ХАЛҚИМИЗНИНГ байрамлари кўп. Улар бир-биридан чиройли,серфайз ва тароватли. Мен бошқа байрамларимизни сира ҳам камситмаган ҳолда Мустақил Республикамиз ташкил топган кунни улар ичида энг салмоқлиси деб ҳисоблайман ва бу фикрга изоҳни ортиқча деб биламан. Республика Вазирлар Маҳкамасининг, шундан сўнг Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгашининг жумҳуриятимиз мустақиллигининг уч йиллигини кенг нишонлаш ҳақидаги қарорлари бизни янада руҳлантириб юборди. Ҳозир туманимиздаги ҳар бир ташкилот, корхона ва муассасада катта тўйга қизғин ҳозирлик боряпти. Тайёргарлик ишларига партиямиз туман кенгаши туман ҳокимлиги билан биргаликда раҳбарлик қилмоқда. Ҳокимлик билан биргаликда ишлаб чиқилган режага мувофиқ туманимиз меҳнат жамоаларида, аҳоли турар жойларда бир қатор тадбирлар, учрашувлар, суҳбатлар, бадиий чиқишлар ташкил этмоқдамиз. Уларда жумҳуриятимизда қисқа вақт ичида амалга оширилаётган тарихий ўзгаришлар эътироф этилиб мустақилликни мустаҳкамлаш учун ҳар бир жамоа, оила, аниқ шахс нималар қилиши кераклигига эътибор қаратиляпти.

Шу билан бирга партиямиз Марказий кенгаши томонидан ишлаб чиқилган Миллий истиқлол мафкураси кенг тарғибот қилиняпти. Эркин фикр алмашув Миллий истиқлол мафкураси ҳақида, шунингдек партиямизнинг Дастури ва Низоми ҳақида билдирилган фикрлар умумлаштириляпти. Бизнинг партиямиз истиқлол фарзанди эканлиги қайта-қайта таъкидланаяпти. Сафимизга янги қабул қилинганларга партия билетлари тантанали равишда топширилмоқда.

Катта тўйга тайёргарлик жараёнида партия аъзоларимизнинг фаоллиги янада ошиб бормоқда. Улар туман Марказида ўтказиладиган катта тантанага, шу муносабат билан ўтказиладиган йўқловларга, кам таъминланган оилаларга кўрсатиладиган мурувватларга бош-қош бўладилар.

Бир сўз билан айтганда, байрам туманимизда зўр шоду-хуррамлик билан ўтади.

## ҲАМКОРЛИК КЕНГАЯВЕРАДИ

Ҳозирги масъулиятли кунларда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши билан Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитасининг ҳамкорлиги қандай бўлиши керак?

Бу саволга жавоб топиш учун Тошкент вилояти шаҳар ва туманлари партия кенгашларининг ҳамда Ёшлар Иттифоқи қўмиталарининг биринчи котиблари Пискент туманига тўпландилар. Вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ў. Турғунов йиғилишда маъруза қилди. Сўзга чиққанлар орасида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитасининг биринчи котиби Н. ЖАББОРОВА ҳам бор эди. Қуйида ёшлар етакчиси сўзини қисқартириб, эътиборингизга ҳавола қиламиз.

– КЕКСАЛАРГА ҳурмат, ёшларга эътибор халқимизнинг азалий удумларидан саналади. Бу одат Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун, уни келажаги буюк давлатга айлантириш учун катта саъй-ҳаракат олиб борилаётган бир пайтда алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан Президентимизнинг ёшларга доир бугунги сиёсати ниҳоятда узоқни кўзлаб доно белгиланган ҳаракат йўналишидир.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг XXVI қурултойида кўпдан-кўп ёшлар таклифи билан Президентимиз И. Каримовнинг "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак" деган доно сўзлари Ёшлар Иттифоқи шиори деб қабул қилинди. Қаерда ва ким бўлиб ишлашимиздан қатъий назар шу шиорга амал қилишимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Республикамиз Президенти И. Каримовнинг анжуман қатнашчилари номига йўллаган табрик хати ҳеч бир давлатда ёшлар Ўзбекистондаги каби алоҳида меҳ ва эътиборга эга эмаслигини яна бир бор намойиш қилди.

Вилоятимиз ёшлари ўз ишларини ана шу ғамхўрликка жавобан янада фаоллаштирмоқдалар. Ёшлар Иттифоқи туман ва шаҳар қўмиталари шу кунларда мустақил Республикамизнинг 3 йиллик тўйига тайёргарлик кўришни ва уни кенг нишонлашни ўзларининг асосий вазифаларн деб билмоқдалар. Жойларда бу тантаналарни ўтказишда ёшларимиз ҳокимликлар, Ўзбекистон Халқ Демократик партияси ташкилотлари билан яқин хамкорликда иш олиб боряптилар.

Бу ҳамкорлик партия ва Ёшлар Иттифоқи ташкил этилган дастлабки кунлардан бошланган. У вақт ўтган сари мустаҳкамланиб, тобланиб бормоқда. Чунки, бизнинг манфаатларимиз ва қизиқишларимиз ЎзХДП дастурий мақсадларига мос тушади. Масалан, бизнинг мафкурамиз ёшларда ўз юртидан фахрланиш туйғуларини шакллантириши, уларда миллий ифтихор, ғурур, ватанпарварлик туйғуларини жўш урдириши керак. Ташкилотимизнинг катта қисмини талаба ва ўқувчилар ташкил этади. Бу биздан талабалар, ўрта махсус, ҳунар-техника билим юртлари, мактаб ўқувчилари билан кўпроқ ишлашни, улар орасида тарбиявий ишларни кучайтиришни, у ердаги Ёшлар Иттифоқи ташкилотларининг фаолиятини тубдан яхшилашни тақозо этади.

Дарвоқе, ЎзХДП Дастурида ҳам ёшлар сиёсатига оид алоҳида боб бўлиб, унда ҳам мана шу ғоялар илгари сурилади. Шу боисдан ЎзХДП ташкилотлари билан жойларда қўшма пленумлар, йиғилишлар ўтказмоқдамиз. Бу ишни изчил давом эттирамиз. Энг муҳими, бизни партия қўллаб-қувватламоқда, ўтказиладиган тадбирларимизга кўмак бераётир.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг ўзимизнинг мудофаа кучларимизга эга бўлдик. Йигитларимиз ўз заминимизда ҳарбий хизматни ўташяпти. Ёшларимизни армия сафига пухта тайёрлаш мақсадида вилоят халқ таълим бошқармаси билан биргаликда "Аскар-94" ҳарбий спорт мусобақасининг шартларини тузиб, қўшма қарор қабул қилдик. Бу тадбирнинг юқори савияда, ўтишига вилоят ҳокимлиги, ЎзХДП вилоят кенгаши, "Соғлом авлод учун" жамғармасининг вилоят бўлими ва Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги маблағ билан таъминлаб, яқиндан ёрдам берди. Шундай керакли тадбирлар орқали ўсмирларимизни ҳарбий бўлинмалар билан таништириш, хизматга чақирилган йигитлар билан учрашувлар, тантанали равишда кузатув кечалари ўтказишни анъанага айлантиришимиз керак.

Маданияти юксак мамлакатнинг келажаги ҳам порлоқдир. Халқимиз минг йиллардан бери ривожланиб келаётган кўҳна маданиятига эга. Лекин минг афсусларким, биз бир неча ўн йилликлар мобайнида маданиятимиздан узоқлашиб кетдик. Эндиликда истиқлол шарофати ила миллий маданиятимизни, унутилган анъаналаримизни тиклаш имконияти келди. Унутилган қадриятларимизни тиклашда биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. "Камолот", "Қизиқчи", "Ҳажвиячилар" кўрикларини ўтказишда биз ҳам маданият бошқармаси, ҳокимият билан елкама-елка бўлдик. Бироқ бу борада ҳам ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз керак.

Бу борада ҳам биз ЎзХДП ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишимиз лозим. Ҳали олдимизда катта вазифалар турибди. Ўзбекистон Олий Мажлислар, маҳаллий Кенгашларга сайловлар ўтказиш тўғрисидаги Қонунларнинг эълон қилиниши жумҳуриятимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида катта воқеа бўлди. Қонунларни ўрганишда сайловлар куни эълон қилингач эса унга қизғин ҳозирлик кўриш, ноибликка ёшлар номзодини кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлашда биз фақат ЎзХДП ташкилотларидан мадад олишимиз керак.

Бизни яна бир нарса мамнун этади. Бу ҳам бўлса жойларда партия ташкилоти котибларининг бизга нисбатан хайриҳоҳлигидир. Масалан, Чирчиқ, Оҳангарон шаҳарлари, Бўстонлиқ, Қибрай, Ўртачирчиқ туманларида партия ташкилотларининг Ёшлар Иттифоқи билан биргаликда олиб бораётган ишлари мақтовга сазовор.

Биз ана шундай ибратли ишларни кенг оммалаштиришимиз, партия ташкилотлари бнлан ҳамкорликни янада кенгайтиришимиз лозим.

## ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

ПИСКЕНТ туман партия Кенгашининг бўлиб ўтган пленумида ташкилий масала кўрилди. Х. А. Акромов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан туман партия кенгашининг биринчи котиби лавозимидан озод қилинди. Илгари туман ҳокимиятида мутахассис бўлиб ишлаб келган Б. Ниёзов ЎзХДП Пискент туман кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ў. Турғунов қатнашди.

## БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ҲУҚУҚЛИ БЎЛСА...

"ХАЛҚ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг янги қонуни давлатимизнинг демократия томон қадамба-қадам бораётганлигидан яна бир далолатдир.

Бу қонун мамлакатда фаолият кўрсатаётган ва янги тузилаётган сиёсий партияларга давлатнинг сиёсий ҳаётида янада фаолроқ иштирок этишига катта имконият беради. Ҳамма гап энди сиёсий партиялар, жумладан Халқ демократик партияси томонидан ана шу имкониятлардан қанчалик фойдаланишда қолди. Қуйида шу ҳақдаги айрим мулоҳазаларимни баён қилмоқчиман.

Қонунда вилоят, туман ва шаҳарларда халқ депутатлари кенгашларига ўринлар сони аниқ белгилаб берилган. Ана шу ўринларга сиёсий партия томонидан ҳар бир округдан биттадан номзод кўрсатилиши партия ташкилотлари олдида янада имкониятлар очади. Ҳар бир партия ташкилоти ўз ортидан асосий оммани — сайловчиларни қанчалик эргаштира олишини сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш давомида синовдан ўтказади.

Қонунда "Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига номзодлар сиёсий партияларнинг тегишли туман, шаҳар органлари томонидан кўрсатилади", дейилган. Ана шу органлар сифатида фаолият кўрсатаётган партиянинг туман кенгашлари сайлов тўғрисидаги қонуннинг худди шу бандига таянган ҳолда, уни суиистеъмол қилмасликлари керак. Яъни Халқ депутатлигига кўрсатиладиган барча номзодларни кўрсатишни ўз зиммасига олмасдан бу ҳуқуқдан фойдаланишга бошланғич партия ташкилотларини кенг жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, ҳар бир сайлов округида битта-иккита ёки бир нечта бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатаётган бўлиши мумкин. Бордию бошланғич ташкилотлар сони округлар сонидан кўп бўлса (шундай бўлиши табиий) бу ҳолда туман кенгаши Пленумида маълум бир миқдордаги аъзолар сонига эга бўлган бошланғич ташкилотларига бевосита қуйидан туриб ўзлари яшаб турган округдан номзод кўрсатиш ҳуқуқини белгилаб бериш мумкин бўларди. Кам сонли аъзога эга бўлган партия ташкилотлари ҳуқуқи чекланиб қолмаслиги учун, уларнинг бир нечаси бирлашиб битта округдан номзод кўрсатиши мумкинлиги Пленумда белгиланса, бу муаммо ҳам ҳал қилинган бўларди.

Бу тадбириинг ижобий томони шундаки, биринчидан, бошланғич партия ташкилоти ўзига шундай ҳуқуқ берилганлиги, яъни давлат бошқарув органига сайланувчи шахсни аниқлашда иштирок этаётганлигини ҳис қилиши партия аъзоларига масъулият ва сиёсий кўтаринкилик, куч бағишлайди. Бу эса уларнинг фаоллигини оширади.

Иккинчидан, кам сонли партия ташкилотлари мустақил равишда номзод кўрсата олмасликларини кўргач, табиийки ўз сафини ўстиришга ҳаракат қилади ва учинчидан, партия ташкилотидан номзоди кўрсатилган шахс депутат бўлиб сайланса, муайян партия ташкилоти, демак партиямиз олдида бутун фаолияти даврида масъулият ҳис этади.

Шу ўринда бошланғич партия ташкилоти томонидан номзод кўрсатиш сайлов тўғрисидаги қонунни бузишга олиб келмайдими, деган савол туғилиши мумкин. Мутлақо йўқ. Чунки қонуннинг 22-моддасида "Депутатликка номзодлар танлаш тартибини сиёсий партиялар... органларининг ўзлари белгилайдилар", деб ёзиб қўйилган.

Ҳамма гап ана шу тартибни қандай белгилашда қолган.

Қолаверса, бошланғич ташкилотларда кўрсатилган номзодларни жамлаб, туман ёки шаҳар кенгашлари ана шу номзодларни кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилсалар қонун доирасидан чиқилмаган бўлади.

Номзод кўрсатиш тартибини белгилаш ҳуқуқини вилоят, шаҳар, туман кенгашларига бериладими ёки у Республикамизнинг ҳамма худудлари учун битта қилиб Марказий Кенгаш томонидан белгиланадими, деган масалани ҳал этишга келсак, агар турли шаҳар ва туманларда шароит (бошланғичлар сони, уларда партия аъзолари сони ва бошқалар) турлича эканлигига қарамай, битта тартиб белгиланса, бунда юқорнда баён қилинган 3 та мақсаднинг биттасига ҳам эришилмайди.

Аксинча, туман ва шаҳар кенгашлари ташаббуси ипсиз боғлаб ташланади. Бунинг оқибати эса маълум, бошланғич партия ташкилотларн ва улардаги партия аъзоларининг фаолиятсизлигига олиб келади. Бундан эса бизнинг партиямиз манфаатдор бўлолмайди.

**Орзимурод ҲАМРОЕВ,**
**ЎзХДП Бўка туман кенгашининг котиби.**

## ЯНА 55 НАФАР АЪЗО

ЯНГИ Тошкент консерва комбинати мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган йирик корхоналардан бири. Айни кунларда бу корхона ишчи-хизматчилари таъминотдаги узилишларга қарамай самарали меҳнат қилмоқдалар. Ёз неъматларини қишнинг қировли кунларида ҳам эл дастурхонига етказиб беришдек олийжаноб ишга бу ерда минг нафарга яқин ишчи-хизматчи бел боғлаган. Турли меваларнинг шарбатларига, тузлама ва қайта ишланган сабзавот маҳсулотларига ҳамиша эҳтиёж катта.

Корхона жамоаси меҳнатни ташкил этишнинг янги ва самарали усулларидан кенг фойдаланмоқда. Йил бошида Ўзбекистон ХДП Қибрай туман кенгаши ижроия бюроси йиғилишида бу масала қайд этилган эди. Ўшанда бошланғич партия ташкилоти номидан ижроия бюрода ҳисобот берган комбинат директори А. Қосимхўжаев асосий эътиборни иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш, ишлаб-чиқариш самарадорлигини ошириш, янги технологияни жорий этиш ва бошқа масалаларга қаратди. Шу билан бирга корхонада ЎзХДП бошланғич ташкилотининг обрў-эътиборини ошириш, уни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш борасида ҳам бир қатор таклифлар ўртага ташланди.

Мазкур масала ижроия бюро тавсиясига кўра бошланғич ташкилотда муҳокама қилинганда бир йўла ташкилий масала ҳам кўрилди. Партия ташкилотига ёш мутахассис, ғайратли йигит Собир Раҳимов котиб этиб сайланди. Янги котиб ўз ишини ташкилот сафларини мустаҳкамлашдан бошлади. Корхона раҳбарияти ёрдамида кейинги уч ой мобайнида 55 нафар ишчи-хизматчи ЎзХДП сафига қабул қилинди. Эндиликда қайта ишловчилар тумандаги сон жиҳатдан йирик ташкилотлардан бирига айланди.

Вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ў. Турғунов шу кунларда комбинатда бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни, ишчи-хизматчиларга яратилган шарт-шароит билан танишди. Шу куни корхонада бўлиб ўтган партия йиғилишида ҳам қатнашди. ЎзХДП сафига яқинда қабул қилинганларга партия билетларини топширар экан, жумладан, биринчи котиб шундай деди:

— Партия сафларига қабул қилинганларнинг аксарият кўпчилигини ёшлар ташкил этаётгани бизни айниқса қувонтирди. Мустақил Республикамизнинг 3 йиллик тўйи арафасида партия ташкилотимиз ёшлар ҳисобига мустаҳкамланаётганида рамзий маъно бор. Шу фактнинг ўзи ҳам партиямиз обрў-эътиборининг кун сайин ошиб бораётганини кўрсатиб турибди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар комбинатга бошланғич партия ташкилоти фаолияти билан боғлиқ масалаларни ўртага ташладилар. ЎзХДП дастурий мақсадларини қўллаб-қувватловчилар, унга ҳайрихоҳлар корхонада кўпчиликни ташкил этишини таъкидладилар. Партия сафларини мустаҳкамлаш борасида изчил иш олиб бориш, энг яхши ишчи-хизматчилар ҳисобига ЎзХДП сафларини кенгайтиришга келишиб олдилар.

**Г. МАҚСУДОВА.**





• ЎРТАЧИРЧИҚ туманидаги "Северний маяк" жамоа хўжалигида чорва озуқаси тайёрлашга жиддий эътибор берилмоқда. Шу кунларда 130 гектар майдонда етиштирилган маккажўхори пешма-пеш ўриб олиб, силос бостирилмоқда. Ижарачи Қолдибек Раҳимов 15 гектар ерга маккажўхори эккан. Бригада бошлиғи Қолдибек Раҳимов даласида етиштирилган ҳосилдан мамнун. Дастлабки ҳисоб-китобга қараганда ҳар гектар ердан ўртача 350 центнердан кўк масса йиғиштириб олиш мўлжалланмоқда. Суратларда: Қолдибек Раҳимов (чапда) ва бригада бошлиғи Болтабой Ғаффоров; ўрим пайти.

**Саҳифани Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши жамоатчи мухбирлар ҳайъатининг раиси Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ тайёрлади.**

